



## THE SOCIAL STATUS OF WOMEN IN THE BUKHARA KHANATE

*Oltinoy Masalievna Masalieva*

*Candidate of Historical Sciences, Associate Professor*

*Uzbekistan State World Languages University*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Bukhara Khanate, Middle Ages, social status, women, Hamid Bakhokhoja oglı Tanzil al-Amsol fi Zikri Bayani al-Ahwal, Sadr Ziyo Majmuai Tazkor va Tavorikh, M.E. Nikolsky Bukhara-i Sharif.

**Received:** 05.05.25

**Accepted:** 07.06.25

**Published:** 09.06.25

**Abstract:** This article emphasizes that the issue of women has been elevated to the level of state policy in the Republic of Uzbekistan. It also explores the social status of women in the Bukhara Khanate (Emirate) based on historical sources, particularly the manuscripts Tanzil al-Amsol fi Zikri Bayani al-Ahwal by Hamid Bakhojadja oglı, Majmuai Tazkor va Tavorikh by Sadr Ziyo, and the work Bukhara-i Sharif by M.E. Nikolsky.

## БУХОРО ХОНЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҚЕИ

*Олтиной Масалиевна Масалиева*

*тарих фанлари номзоди, доцент*

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Бухоро хонлиги, ўрта асрлар, ижтимоий мавқеи, хотин-қизлар, Ҳамид Бақоходжа ўғли “Танзил-ал-амсол фи зикри баёни ал-ахвол”, Садр Зиё “Мажмуай тазкор ва таворих” М.Е.Никольский “Бухорои шариф”.

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида аёллар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиганлиги таъкидланган. Шунингдек, Бухоро хонлиги (амирлиги)да хотин-қизларниң ижтимоий мавқеи манбалар, хусусан, Ҳамид Бақоходжа ўғлининг “Танзил-ал-амсол фи зикри баёни ал-ахвол”, Садр Зиёнинг “Мажмуай тазкор ва таворих” қўлёзмалари, М.Е.Никольскийнинг “Бухорои шариф” асари асосида ёритилган.

## СОЦИАЛЬНЫЙ СТАТУС ЖЕНЩИН В БУХАРСКОМ ХАНСТВЕ

*Олтиной Масалиевна Масалиева*

*кандидат исторических наук, доцент*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Бухарское ханство, средние века, социальный статус, женщины, Хамид Бакаходжа оглы «Танзил ал-амсол фи зикри баяни ал-ахвол», Садр Зиё «Маджмуаи тазкор ва таворих», М.Е. Никольский «Бухарои шариф».

**Аннотация:** В данной статье подчёркивается, что в Республике Узбекистан вопрос женщин поднят на уровень государственной политики. Также в статье освещается социальный статус женщин в Бухарском ханстве (эмирате) на основе исторических источников, в частности, рукописей Хамида Бакаходжи оглы «Танзил ал-амсол фи зикри баяни ал-ахвол», Садра Зиё «Маджмуаи тазкор ва таворих», а также труда М.Е. Никольского «Бухарои шариф».

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақида”ги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги конвенцияларига қўшилди. Бу хужжатлар хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва умуман жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-хуқуқий хужжатлар комплексининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони қабул қилинганини бунинг ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шартшароит яратиш, хуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз тарихи, ўтмишда бу масалага эътибор берилганми? Хотин-қизларнинг оиласида, жамиятда тутган ўрни қандай эди? деган саволлар кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Ўрта Осиё халқлари тарихига назар ташланса, хотин-қизлар орасидан ҳам машҳур шахслар етишиб чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Улардан Тўмарис, Туркон оғо, Сарой мулкхоним, Гавҳаршодбегим, Нодирабегим,

Курбонжон доддох каби қатор тарихий шахсларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг барчаси жамият ҳаётида ўзига хос ўрин тутган. Бухоро хонлиги (амирлиги) даврида ҳам сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётда аёллар ҳам алоҳида мавқега эга бўлганлар.

Маълумки, Бухоро хонлиги ислом маданиятининг маркази ҳисобланган. Бунинг илдизлари ўтмишга бориб тақалиши, шубҳасиз. Бухоро хонлигидаги ислом халқнинг анъанавий турмуш тарзи, руҳияти, урф-одатлари, маданиятига сингиб кетган эди. Ўрта асрларда аёллар, асосан уй юмушлари, фарзанд тарбияси билан машғул бўлган, шу билан бирга, шаръий илмлар ҳамда адабий илмлардан ҳам боҳабар бўлиб, ғазаллар битишган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги яшаган, амир Музофар даврида Керки шаҳрининг қозиси бўлган Ҳамид Бақохўжанинг ўғлиниң ”Танзил-ал-амсол фи зикри баёни ал-ахвол” (Аҳволлар баёнини зикр этишда мисолларнинг келтирилиши) асарида ёзилишича, унинг онаси ҳам саводли ва илм олиш тарафдори бўлган. Буни асаддаги қуйидаги сатрлардан англаш мумкин: “Онам кўрсатилганларга ўхшаш китобларни қидиришни давом эттираса-да, ҳаргиз ўша нусхани топа олмадилар” [1].

Бухоро хонлиги даврида етишиб чиққан машҳур аёллар ҳақида ҳозирча маҳсус тадқиқот ишлари йўқ. Лекин манбаларда, тарихий адабиётларда, архив хужжатларида аёллар ва уларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, Бухорода яшаган қозикалон, тарихнавис Садр Зиёнинг “Мажмуаи тазкор ва таворих” асарида Бухоро шаҳрида асрлар давомида курилган мадрасалар номи, жойлашган ўрни ва хужралар сони ҳақида маълумотлар келтириб, улар ким томонидан ва қачон қурдирилгани ҳақида изоҳлар ёзиб қолдирган[2]. Мадрасалар номлари орасида аёллар номи билан аталган ва аёллар маблағига қурилган мадрасалар номи ҳам учрайди. Қуйида улардан айрим мисол келтирамиз:

№	Мадраса номи	Қайси гузар	Хужра сони	Курдирувчи ва қурувчилар номи
1	Хиёбон	Хиёбон	80	Убайдуллоҳ хон онаси
2	Модари хон		62	Абдуллоҳ хон онаси
3	Жўйбори Калон	Хавзи нав	29	Ойпочча ойим бинту Абдураҳим хўжа бинни хўжа Калон хўжа
4	Жўйборча	Хонақоҳ жўйбор	23	(Ж.Абдусаттор [3] маълумоти бўйича, Мухаммад Элбарсхон қизи томонидан амири Масъум замонида қурилган – М.О.)
5	Чучук ойим сангин	Нақиб	13	(Ж.Абдусаттор маълумоти бўйича Чучук ойим бинти Мухаммад Шукур тўқсабо

				томонидан 1207 /1792 – 1793 йилда Чорбоғи Боқихон гузарида қурдирилган – М.О)
--	--	--	--	--

Ўрта асрларда аёллар турли хил ижтимоий ролларни, жумладан, рафиқа, она, дехқон, хунарманд ва отин ойи каби вазифаларни бажарган, шунингдек, малика каби баъзи муҳим мавқега ҳам эга бўлган. Ўрта асрларда хон оиласи аъзолари ва юқори мансабдор оиласи одатда энг юқори ижтимоий-иқтисодий гурухларга мансуб эдилар.

Ўша давр адабиётларида юқори элита аёллари образида аёллар турмуш ўртоғига бўйсуниши, фазилатини ҳимоя қилиши, авлодни дунёга келтириб, тарбиялаши ва уй ишларини назорат қилиши кераклиги тасвирланган. Ушбу анъанавий ролларга риоя қилган аёллар учун масъулият муҳим бўлиши мумкин. Бундан ташқари, эрлари йўқ бўлганда, аёлларнинг роли сезиларли даражада ошиши мумкин эди. Элита аёллар мавқеи ва қариндошлиги туфайли ўз даврининг маданий ва сиёсий муҳитинин табиий қисми бўлган. Ўрта асрларда бу аёлларга эрларининг ҳаёти давомида ҳеч қачон мулк олиш ёки кўчмас мулкка эга бўлиш тақиқланмаган.

Ўрта Осиёда, айниқса Бухоро хонлигига аёлларнинг тутган мавқеи ислом омили билан чамбарчас боғлиқ.

1903 йилда Россияда нашр этилган М.Е.Никольскийнинг “Бухорои шариф. (Шарқ бўйича саёҳатлардан саҳифа)” [4] номли асарида Бухоро хонлигидаги аёллар аҳволига алоҳида эътибор қаратган. Муаллиф аслида ўзга дунё вакили бўлиши билан бирга ўзгача яъни Бухоро хонлигидан фарқли бўлган маданий муҳитда яшаган.

Муаллиф Бухородаги аёлларнинг ижтимоий мавқенини ташқаридан туриб кузатади. Муаллифнинг ёзишича, шарқда аёлларнинг эркинлиги ҳали фуқаролик хукуқини олмаган. Кўчаларда ва бозорларда садақадан бошқа озиқ-овқат воситаларига ахамият бермайдиган аёллар, тиланчи кампир ва бева аёлларгина ёпинчиқсиз юришлари мумкин. Кўчаларда аёллар фақат паранжида кўринишлари мумкин.

Аmmo Бухорода аёлларнинг аҳволи бошқа шарқий мамлакатларга қараганда анча ёмонроқ. Ҳатто уларга ёрқин рангларда паранжида юриш тақиқланган, деб ёзади.

Муаллиф, умуман олганда, шарқда бир аёл, афтидан, жамоат ҳаётига таъсир қилмайди, унинг нафақат фуқаролик муносабатларида, балки оилавий ҳаётда ҳам хукуқий лаёқати йўқ, деб фикр билдиради.

М.Е.Никольский аёллар ҳокимиятнинг кўринадиган имтиёзларидан фойдаланмайди, лекин табиатан нафосат билан қизиқиб, турмуш ўртоғининг ички

руҳиятига кириб боришга ҳаракат қилади ва уларга билвосита ўз таъсирини кўрсата олишини таъкидлаган.

Муаллиф аксарият ҳолатларда аёлларнинг ақлий қобилияtlарига шунчалик зарбага бериладики, у оиласидан ташқаридаги ҳеч нарсага аралашмайди, факат аёл хоҳласа эрига таъсир кўрсатишни истаса у ҳар доим бунга эришиши мумкин, дейди.

Муаллиф ўрта асрлардаги никоҳ муносабатларига ҳам ўз фикрини билдирган. Куръон ва шариат қонуний шахсга (имомдан ташқари) тўртдан ортиқ хотин олишга рухсат бермайди. Сўровларга қараганда, кўпхотинлилик Бухорда айниқса гуллаб-яшнамоқда деб ўйламайман. Ҳар бир хотин учун эр Куръоннинг кўрсатмасига биноан маҳсус хизматчини беришни, маҳсус муассасани ташкил қилиши керак. Бир аёлга совға қилиш учун афзалликларни кўрсатмасдан, эр бошқаларга ҳам бир хил яъни худди шу совғаларни бериши керак. Шундай қилиб, бир нечта хотинни боқиши қимматга тушади ва кўпинча Куръон кўрсатмаларининг бузилишига олиб келади. Қонуний хотинлар ўрнига, кўпчилик канизакка эга бўлишни афзал кўришади, деб баҳо беради.

Бухорои шариф давлатидаги оилаларда ажралишлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Оилаларда Куръон ва шариатга амал қилиниши турли адабиётларда кўрсатилган. М.Е.Никольский, гарчи Мухаммаднинг ушбу қонунчилик кўрсатмалари назорат қилинмаса ҳам, ҳар бир мусулмон ушбу қоидаларни бузмасликка ҳаракат қилади, деб фикр билдиради.

Муаллиф, бухороликларнинг айтишича, ажралиш осонлиги туфайли аёлнинг мавқеи ёмонлашади. Тўғри, қонунга кўра, эр ўз хотинига: «тинчлик билан, қалбим сизни истамайди», деб айтса кифоя, ва ажралиш тугайди, аммо амалда ҳеч қандай сабабсиз ажрашиш бу унчалик оддий эмас, деб тушунтиради.

Муаллиф, ажрашиш осон эмаслигини сабабини аксарият ҳолатларда жазо чоралари шунчалик катта эди, уларни тўлаш иқтисоднинг тўлиқ хароб бўлишига олиб келишида деб кўрсатади.

Муаллиф асарида яна ўғил болаларнинг қобилияtlари қанчалик бойлигини кўриш жуда ачинарли, сабаби мактаб ўқувчилари сарф қиладиган улкан қатъият билан, анчагина фойдали билимларни олиш мумкин эди, бу масалада Шарқ аёли фарзандига ҳеч қандай ёрдам бера олмайди, чунки унинг ўзида билим етарли бўлиши кераклиги ҳақида фикр билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро хонлиги (амирлиги)да хотин-қизлар алоҳида ижтимоий мавқега эга бўлишган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳамид Бақохўжа ўғли. Танзил-ал-амсол фи зикри баёни ал-ахвол. ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинаси, №602. Кўлёзма.
2. Садр Зиё. Мажмуаи тазкор ва таворих. ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинаси, № 2193. Кўлёзма.
3. Абдусаттор Ж. Бухоро таълим тизими тарихи. –Т.: Академнашр, 2017. – 592 б.
4. Никольский М.Э. Благородная Бухара (Страницка из скитаний по Востоку). – СПб., 1903. – 47 с.